



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRINING
BUYRUG‘I**

**SHNQ 2.09.10-22 “Qishloq xo‘jalik mahsulotlarini saqlash va qayta ishlash uchun binolar va xonalar”
shaharsozlik normalari va qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida**

O‘zbekiston Respublikasining Shaharsozlik kodeksiga muvofiq **buyuraman:**

1. SHNQ 2.09.10-22 “Qishloq xo‘jalik mahsulotlarini saqlash va qayta ishlash uchun binolar va xonalar” shaharsozlik normalari va qoidalari ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. O‘zbekiston Respublikasi davlat arxitektura va qurilish qo‘mitasi raisining 2008-yil 19-fevraldagi 10-son buyrug‘i bilan tasdiqlangan SHNQ 2.09.10-07 “Qishloq xo‘jalik mahsulotlarini saqlash va qayta ishlash uchun binolar va xonalar” shaharsozlik normalari va qoidalari o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

3. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Qishloq xo‘jaligi vazirligi hamda O‘zbekiston Respublikasi sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi xizmati bilan kelishilgan.

4. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Қурилиш вазири

Тошкент ш.
2022 йил 25 ноябрь,
212 сон



Zakirov B. I.

Вазир

Тошкент ш.
2022 йил 24 ноябрь,

Келишилди:



Voitov A. B.

**Ўзбекистон Республикаси
Санитария-эпидемиологик
осойишталик ва жамоат
саломатлиги хизмати бошлиғи**



Юсупалиев Б. К.

Тошкент ш.
2022 йил 15 октябрь,

Ўзбекистон Республикаси

қурилиш вазирининг

2022 йил 25 ноябрдаги 212-сон

буйруғига илова

ШНҚ 2.09.10-22 “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш учун бинолар ва хоналар” шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари

Мазкур шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (кейинги ўринларда-ШНҚ) қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш учун бинолар ва хоналарни лойиҳалаш, қуриш ҳамда мавжудларини реконструкция қилиш тартибини белгилайди.

1-боб. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар

1. Ушбу ШНҚда қуйидаги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар келтирилган:

ШНҚ 2.01.02-04 “Бино ва иншоотларни ёнғин хавфсизлиги”;

ШНҚ 2.01.05-19 “Табиий ва сунъий ёриткичлар”;

ШНҚ 2.01.19-09 “Бино, хоналарни портлаш-ёнғин ва ёнғин ҳавфсизлиги бўйича категорияларини аниқлаш”;

ШНҚ 2.03.10-19 “Том ва том қопламалар”;

ШНҚ 2.03.13-19 “Поллар”;

ШНҚ 2.04.01-98 “Бинонинг ички сув қувурлари ва канализацияси”;

ШНҚ 2.04.05-97* “Иссиштиш, шаммолатиш ва кондиционерлаш”;

ШНҚ 2.04.09-07 “Бино иншоотларда ёнғин хавфсизлиги автоматикаси”;

ҚМҚ 2.04.20-98 “Турар жой ва жамоат бинолари муҳандислик ускуналарининг алоқа, сигнализация ва диспечерлаштириш қурилмалари”;

ШНҚ 2.07.02-07 “Инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти муҳитини ногиронлар эҳтиёжлари ва аҳолининг камҳарактланувчи гуруҳларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш”;

ШНҚ 2.08.04-04* “Маъмурий бинолар”;

ШНҚ 2.09.01-19 “Қишлоқ хўжалик корхоналарининг бош режалари”;

ШНҚ 2.09.02-19 “Ишлаб чиқариш бинолари”;

ШНҚ 2.09.04-09 “Корхоналарнинг маъмурий ва маиший бинолари”;

ШНҚ 2.09.12-09 “Омбор бинолари”;

ҚМҚ 2.09.15-97 “Музлаткичлар”;

ШНҚ 2.09.21-22 “Ёнғин-қутқарув деполари ва постлари”;

О’з DST 950:2011 “Ичимлик суви. Гигиеник талаблар ва сифатни назорат қилиш”;

ГОСТ 12.1.005-88 “Меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизими. Ишчи зонаси хавосига бўлган умумий санитария-гигиена талаблар”;

ГОСТ 27751-2014 (EN 1990:2002, ISO 2394:1998) “Қурилиш конструкциялари ва асосларининг ишончилиги. Асосий қоидалар”;

ГОСТ 23838-89 “Корхона бинолари. Параметрлар”.

ГОСТ 2572-83 “Зинапоялар, балконлар ва томларнинг пўлат тўсиқлари. Умумий техник шартлар”;

ГОСТ 21.408-2013 “Қурилиш учун лойиҳа ҳужжатлари тизими. Технологик жараёнларни автоматлаштириш бўйича ишчи ҳужжатларини тайёрлаш қоидалари”;

СанҚваМ 0203-06 “Ишлаб чиқариш хоналари микроклимига санитария нормалари”;

СанҚваМ 0350-17 “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича санитария нормалари ва қоидалари”.

2-боб. Умумий қоидалар

2. Мазкур ШНҚ кўйидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш учун бинолар ва хоналарни лойиҳалаш, қуриш ҳамда мавжудларини реконструкция қилишга татбиқ қилинади:

сабзавотларни, картошка;

мевачилик ва узумчилик маҳсулотлари;

сутни дастлабки қайта ишлаш;

чорвани ва паррандаларни дастлабки қайта ишлаш (қушхоналар);

қўй ва эчки жунларини дастлабки қайта ишлаш;

мўйна териларни дастлабки қайта ишлаш;

корақўл териларини дастлабки қайта ишлаш;

мўйна ҳайвонлар ва қуён териларни қайта ишлаш;

толали экинларни (зиғир ва каноп) дастлабки қайта ишлаш;

мойли экинларни қайта ишлаш.

Ушбу ШНҚ ветеринария-санитария утилизация цехлари ҳамда заводларининг бинолари ва хоналарини лойиҳалашда қўлланиши мумкин.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини совутиб сақлаш учун бинолар ва хоналар ҚМҚ 2.09.15 га мувофиқ лойиҳалаштирилади.

3. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш учун бинолар ва хоналарни лойиҳалаштиришда ушбу ШНҚ талабларидан ташқари амалда бўлган шаҳарсозлик, ёнғинга қарши ҳамда экологик нормалар ва қоидалар, шунингдек санитария қоидалари ва нормалари ҳамда гигиена нормативлари талаблари ҳисобга олинishi керак.

4. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш учун бинолар ва хоналарни лойиҳалаштиришда:

қурилиш ва фойдаланиш жараёнларининг барча босқичларида бинолар ва бино элементлари мустаҳкамлиги, деформацияга бардошлилиги ва ҳажмий ўзгармаслигини таъминлайдиган конструктив тизимлар;

иктисодий жиҳатдан мақбул конструктив ечимлар;

бир майдондан жойлашган бинолар учун қурилиш материаллари ва буюмларини танлашда объектларни бирхиллаштириш (унификация қилиш) имкониятларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши лозим.

5. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш учун бинолар ва хоналарнинг портлаш, портлаш-ёнғин ва ёнғин хавфлилиги тоифалари ШНҚ 2.01.19 бўйича аниқланиши керак.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида ШНҚ 2.09.21 га мувофиқ ёнғин-қутқарув постларини назарда тутиш лозим.

6. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш корхоналари лойиҳаларига маҳсулот ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини таъминлайдиган замонавий илғор технологиялар татбиқ қилиниши керак.

Меҳнат сарфини қисқартириш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш назарда тутилиши керак.

7. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш учун бинолар ва хоналарнинг умумий майдони ШНҚ 2.09.02 га мувофиқ ҳисобланади.

8. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида ишловчилар учун маъмурий, маиший ва ёрдамчи бино (хона)лар ШНҚ 2.08.04 ва ШНҚ 2.09.04 га мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

9. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш учун йилнинг фақат илиқ пайтида (мавсумий) фойдаланиладиган биноларда ишловчилар учун (кетма-кет ишловчи сменалардаги ҳар бир ишловчига иккитадан илгак ҳисобида) кўча ва иш кийимларини очиқ жавонларда сақлаш учун гардероблар кўзда тутилиши мумкин.

10. Иншоот (тоннел, галерея, эстакада, канал, бункер, майдонча ва б.) лар амалдаги шахарсозлик нормлари ва қоидаларига мувофиқ лойиҳалаштирилади.

11. Ускуналарнинг паспортлари, кузатув техник ҳужжатлари ҳамда лойиҳанинг технологик ечимларига мувофиқ бинолар ва хоналардан ташқарида ўрнатилиши мумкин бўлган технологик, энергетика ва санитария-техника ускуналарни жойлаштириш учун очиқ майдончаларни назарда тутиш лозим.

12. Атмосфера ёнғингарчиликлари, шамол ва чангнинг ноҳуш таъсири сабабли очиқ майдончада жойлаштириб бўлмайдиган, шунингдек муайян ҳароратни тутиб туришни ва доимий хизмат кўрсатувчи ходимлар бўлишини талаб қилмайдиган ускуналарни жойлаштириш учун айвонлар ёки иситилмайдиган бинолар лойиҳалаштирилиши мумкин.

13. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш учун бинолар ва иншоотлар ГОСТ 27751 га мувофиқ қурилиш конструкциялари ва заминларининг ишончилиги бўйича II масъуллик даражасига эга.

14. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланиш назарда тутилганда ШНҚ 2.07.02 талабларига риоя этилиши лозим.

15. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш учун бинолар ва иншоотлардан турар жой зоналаригача бўлган санитария масофалари СанҚваМ 0350-17 га мувофиқ белгиланади.

16. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш учун бинолар ва хоналарда ШНҚ

2.04.09 ва ҚМҚ 2.04.20 га мувофиқ телекоммуникация алоқаси, радиолаштириш, ёнғиндан хабарлантириш, ёнғин ва қўриқлаш автоматик сигнализациялари назарда тутилиши керак.

17. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарининг бош режалари ШНҚ 2.09.01 га мувофиқ лойиҳалаштирилиши керак.

18. Бош режаларни лойиҳалашда:

корхоналарининг шаҳарсозлик алоқалари;

цехлар, бинолар ва иншоотларнинг функционал-технологик ўзаро алоқалари;

худуднинг зоналаштирилиши ва корхона ичидаги транспорт тизимини, юклар ва одамлар оқимларининг ташкил этилиши;

майдончанинг табиий, геологик, гидрогеологик, сейсмик шарт-шароитлари ҳисобга олиниши лозим.

19. Қўкаламзорлаштириш участкалари майдони корхона ҳудуди майдонининг камида 15 фоизини ташкил қилиши керак.

3-боб. Ҳажмли-режалаштириш ва конструктив ечимлар

20. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш учун бинолар ва хоналарнинг лойиҳаларида ҳажмли-режалаштириш ечимлари лойиҳалаштириш топшириғига мувофиқ, қоида тариқасида, бир қаватли, чордоқсиз, режада тўғри бурчакли, бир хил кенгликда ва баландликда ҳамда параллел оралиқлар билан қабул қилиниши керак.

Кўп қаватли биноларни майдони чекланган, рельефи кескин нотекис бўлган ер участкаларида, шунингдек бундай биноларнинг бир қаватли биноларга нисбатан техник-иқтисодий афзалликлари бўлганида, ШНҚ 2.01.02, ШНҚ 2.01.19, ШНҚ 2.04.09 ва ШНҚ 2.09.01 талабларини инобатга олган ҳолда лойиҳалаштиришга йўл қўйилади.

21. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш учун бинолар ва хоналарни лойиҳалашда уларнинг параметрлари ва геометрик ўлчами схемалари ГОСТ 23838 бўйича қабул қилинади.

Бир йўналишдаги қўшни оралиқлар ўртасидаги баландлик фарқи 6 m лик модулга баробар қилиб қабул қилиниши керак.

22. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш учун биноларнинг баландлиги жиҳозларнинг ўлчамларидан ёки сақланадиган маҳсулотларнинг рухсат этилган энг юқори баландлигидан келиб чиқиб қабул қилиниши лозим.

Сақлаш талаблари бир хил бўлган ҳар хил турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун бинолар бир хиллаштирилган баландликда лойиҳалаштирилиши керак.

23. Хоналарда полдан жиҳозлар ва коммуникацияларнинг пастки қисмигача бўлган баландлиги одамлар мунтазам ўтадиган жойларда 2 m дан ва одамларнинг тартибсиз ўтиш жойларида 1,8 m дан кам бўлмаслиги керак. Технологик ускуналардан шифтгача бўлган энг кичик масофа 0,4 m дан кам бўлмаслиги керак.

24. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш учун биноларда хоналарнинг ҳажми энг катта сменада ишловчиларнинг бир нафарига 13 m³ дан, пол майдони эса 4 m² дан кам бўлмаслиги керак.

25. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш учун биноларнинг оловга

бардошлилиги, қаватлардаги ёнғинга чидамли деворлар оралиғидаги майдони ва қаватлар сони, шунингдек одамларни эвакуация қилиш ва бинолардан тутунни олиб чиқиш ШНҚ 2.01.02 га ва қуйидаги

1-жадвалга мувофиқ лойиҳаланиши керак.

1-жадвал

Ишлаб чиқариш тоифаси	Ўтга чидамлилик даражаси	Хонанинг қарама-қарши деворлари ўртасидаги майдон
А Б В	II	Чекланмайди
	III	3000
	IV	1000
	V	600
Д	II	Чекланмайди
	III	5200
	IV	3500
	V	1000
<i>Изоҳ: V даражали ёнғинга чидамли биноларнинг ёнғинга қарши деворлари ўртасидаги полнинг В тоифали ишлаб чиқариш учун жадвалда кўрсатилган майдонини технология талаблари бўйича 1000 м² гача кўпайтиришга йўл қўйилади.</i>		

26. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш учун биноларни, қоидага кўра, йиғма юк кўтарувчи ва тўсувчи конструкцияларни, шунингдек маҳаллий қурилиш материалларидан (ғишт, табиий тош ва б.) тайёрланган конструкциялар ва маҳсулотларни қўллаган ҳолда каркасли қилиб лойиҳалаштириш керак.

Озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш хоналарида қурилиш конструкцияларини пардозлаш ва ҳимоялаш қопламалари “Ихтисослаштирилган сўйиш корхоналари” ҳамда “Ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш бўйича” ветеринария, ветеринария-санитария норма ва қоидалари талабларига мувофиқ бўлиши керак

27. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш учун ҳўл ёки нам режимли биноларда шамоллатилмайдиган томёпмалар фақат буғни йўқотувчи қурилмаси йиллик эксплуатация даврида конструкцияларда намликнинг тўпланишини истисно қилган тақдирдагина қўлланиши мумкин.

28. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш учун бир қаватли бинолар ички дренажларсиз лойиҳалаштирилиши мумкин.

Кенглиги 72 м дан ортиқ бўлган, иситиладиган бинолар томлари ШНҚ 2.03.10 га мувофиқ ички сув оқиб кетадиган қувурлар билан лойиҳалаштирилиши керак.

29. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш учун биноларнинг полларини сақланадиган маҳсулотлар вазни, механик ва бошқа таъсирлар турлари ва интенсивлигини ҳисобга олган ҳолда ШНҚ 2.03.13 га мувофиқ лойиҳалаштириш керак.

Картошка, сабзавот ва меваларни контейнерларда ҳамда уларни тўкилган ҳолда сақланадиган омборлардаги ўтиш жойларида асфальт-бетонли ва бетонли поллар билан лойиҳалаштирилиши керак. Маҳсулотлар тўкилган ҳолда сақланадиган омборларда лойли ва тупроқли полларни қўллашга йўл қўйилади.

Озиқ-овқат (картошка, сабзавот, мева, чорвачилик ва паррандачилик) маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш биноларида пол ва шифтлар бўшлиқсиз бўлиши керак.

Озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш хоналарининг пол қопламалари учун катронлар ва катронли мастикалардан ҳамда пластмассалардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

30. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш биноларининг дарвозалари икки табақали, суриб очиладиган ёки шторли қилиб қабул қилиниши керак.

Одамларни эвакуация қилиш учун автомобиль транспорти ўтадиган дарвозаларда остонасиз ёки баландлиги 0,1 m дан ошмайдиган бўсағали, бинодан чиқиш йўналиши бўйича очиладиган эшиклар ўрнатилиши мумкин.

Дарвозаларнинг ўлчамлари рельсиз транспортни ўтказиш учун юкли транспорт воситаларининг габарит ўлчамларидан баландлиги бўйича 0,2 m ва кенлиги бўйича 0,6 m га ортик бўлиши керак.

31. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш биноларида кемирувчиларга қарши курашни таъминлаш мақсадида:

кемирувчилар шикаст етказмайдиган материаллардан бўшлиқларсиз тўсиқлар билан ўраш;

бўшлиқларсиз ташқи эшиклар, дарвозалар ва поллардаги люк қопқоқларни;

дераза ва фрамугаларнинг очиладиган жойларда олиб-қўйиладиган тўрларни маҳкамлаш учун қурилмаларни,

пол сатҳидан 0,5 m баландликда жойлашган деворлар ва ҳаво каналларидаги шамоллатиш тешиклари руҳланган пўлат тўрли тўсиқлари (12x12 mm ли тешикли) билан тўсишни назарда тутиши керак.

32. Картошка ва сабзавот омборлари, шунингдек сақланадиган маҳсулотни биноларнинг ташқи деворларидан ажратадиган тўсиқлар (ҳаво бўшлиғини яратиш учун) ёки бинони секцияларга ажратувчи тўсиқлар (маҳсулотни сақлаш технологияси талабларига мувофиқ) техник матоли, пленкали, асбестцементли листлар ва экструзион панелли, сувга чидамли фанерли ёки тахтали қопламали синчли қилиб лойиҳалаштириш керак.

Ишчи чизмаларда техник матолар, пленкалар ва бошқа ўрамли материаллардан тўсиқларни лойиҳалаштиришда маҳсулотларни юклаш ва тушириш кетма-кетлиги кўрсатилиши лозим.

33. Меваларни сақлаш учун газ муҳити бошқариладиган хона (камера)ларнинг ўраб турувчи конструкциялари (деворлар, қопламалар, шифтлар, поллар ва деворлардаги очик жойларининг тўлдирилиши) ички томонидан газ ўтказмайдиган қопламали бўлиши керак.

Хона (камера)лар деворларидаги очик жойларни тўлдирувчи эшик ва деразаларнинг притворлари ва фальцлари зичловчи кистирмалар билан таъминланиши керак.

34. Биноларнинг тўсувчи конструкцияларини ички юзалари қуйидаги 2-жадвалга биноан пардозланиши лозим.

2-жадвал

Тавсияланган пардоз тури	Хоналар номи
Девор панеллари, ғиштли деворлар, тўсиқлар, колонналар юзаси – полдан 1,8 m баландликкача сопол плиткалар билан қопланади. Қопламанинг тепаси – ғиштли деворлар ва тўсиқлари – яхши сувоқли, оҳакли бўёқ билан бўялади. Шифтларнинг чоклари – сувалади ва шифтлар оҳакли бўёқ билан оқланади.	Норматив ҳарорат-намли ишлаб чиқариш цехлари, лабораториялар
Панеллар чоклари сувалади. Ғиштли деворлар ва тўсиқлар – оддий сувалади ва оҳак билан бўялади. Шифт чоклари – сувалади, шифт оҳак билан оқланади.	Хомашё, тайёр маҳсулот омборлари, трансформатор подстанциялари, механик устахоналар
Деворлар, тўсиқлар ва шифтлар чоклари – сувалади ва оҳак билан оқланади.	Сақлаш камераси, моддий омборлар, вентиляция камералари, иссиқлик пунктлари, насос, юк транспорт даҳлизлари, идиш цехлари, экспедициялар, тайёр маҳсулот омборлари
Девор панеллари чоклари сувалади, ғишт деворлар ва тўсиқлар яхшилаб сувалади. 1,8 m баландликда – мой бўёқда бўялган панель билан қопланади. Шифтлар – чоклари сувалади. Деворлар ва шифтлар – елимли бўёқ билан бўялади.	Товарни ишлаш цехи, даҳлизлар, зинапоялар, цех лабораториялари ва идоралари, навбатчи слесарлар хоналари, шчитли назорат-ўлчов ускуналари
Девор панеллари чоклари сувалади, ғишт деворлар ва тўсиқлар яхшилаб сувалади, гипсбетонли тўсиқлар – оҳакли-алебастрли эритма билан сувалади. Деворлар – сувли-эмульсияли бўёқ билан бўялади. Шифтлар – елимли бўёқ билан оқланади.	Маъмурий хоналар, вестибюллар, холлар, мажлис заллари, жамоат ташкилотлари хоналари

35. Корнизнинг юқори қисмига қадар баландлиги 10 m дан ортиқ бўлган биноларнинг ташқи деворларининг периметри бўйлаб томларда ёнғинга чидамли материаллардан камида 0,6 m баландликдаги парапетлар назарда тутиш зарур. Ички сув оқиш қувурлари бўлмаган биноларда бундай парапетлар панжарали бўлиши керак.

Ишлатиладиган томлардаги панжарали тўсиқлар ГОСТ 2572 га мувофиқ балконларники каби, камида 1,1 m баландликда лойиҳалаштирилиши керак.

36. Корнизнинг юқори қисмига қадар баландлиги 10 m дан ортиқ бўлган бинолар учун 0,6 m кенгликда ташқи пўлат вертикал ёнғинга қарши зиналарни назарда тутиш керак. Бинолар периметри бўйлаб зиналар орасидаги масофа 200 m дан ошмаслиги керак.

Ёнғин зиналари ердан 1,5 m баландликда бошланиши, тепада тутқичли майдонча билан тугалланиши керак.

37. Юк платформа (пандус)лари, ўтиш ҳамда транспорт воситалари учун кириш пандуслари қиялиги ШНҚ 2.09.02 ва ШНҚ 2.09.12 га ва транспорт воситаларининг техник тавсифларига мувофиқ лойиҳалаштирилиши керак.

38. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш учун бинолар ва хоналарни лойиҳалаштиришда қуйидагиларни ҳисобга олиш керак:

а) картошка, сабзавот ва меваларнинг вазн зичлиги – технологик лойиҳаларга мувофиқ

белгиланади;

конструкцияга босим – тўкилувчан жисмлар каби;

б) ортикча юк коэффициенти:

пиёз – 1,2;

бошқа турдаги маҳсулотлар – 1,1;

в) қуйидаги, тўкилиб сақланадиган маҳсулотлар учун ички ишқаланишнинг ҳисобий бурчаги:

карам – 44°;

сабзи – 41°;

картошка ва пиёз, озиқ-овқат ва илдизли озуқа навли экинлар, қанд лавлаги – 38°;

данакли мевалар – 20°;

г) қуйидаги тўкилиб сақланадиган маҳсулотлар учун ички ишқаланишнинг ҳисобий коэффициенти:

картошка, сабзавот ва карам – бетон, рандаланмаган тахта устидан – 0,6;

рандаланган тахта, хризотилцемент, фанера, пўлат листлар учун – 0,4;

руҳланган пўлат ёки полиэтилен плёнка учун – 0,1;

барча навли пиёз ва данакли мевалари учун – 0,3.

39. Омборларнинг маҳсулотларни тўкилиб сақланадиган жойлардаги юк кўтарувчи тўсиқли конструкцияларида техник матолар ва плёнкалар қўлланилганда, улардаги картошка ва сабзавотларнинг ишқаланиш коэффициенти нолга тенг деб қабул қилинади.

Техник матолар ва плёнкалар тўсиқларнинг қопламаси сифатида қўлланилганда барча турдаги маҳсулотларнинг ишқаланиш коэффициенти 0,3 га тенг деб қабул қилинади.

4-боб. Сув таъминоти ва канализация

40. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш учун бинолар ва хоналарнинг ички сув таъминоти ва канализация тизмлари ШНҚ 2.04.01 га ҳамда ушбу боб талабларига мувофиқ лойиҳалаштириш лозим.

41. Озиқ-овқат маҳсулотларини (картошка, сабзавот, мева, чорвачилик ва паррандачилик маҳсулотлари ва б.) қайта ишлаш, шунингдек ўсимлик толасини (каноп, зиғир ва б.) хўллаб қайта ишлаш мақсадлари учун бино (хона)лар О'z DST 950:2011 талабларига жавоб берадиган ичимлик сувини етказиб бериш учун ички ишлаб чиқариш сув таъминоти тармоғи билан жиҳозланиши керак.

42. Барча эҳтиёжлар учун сифатли ичимлик сувини олишнинг иложи бўлмаган ҳудудларда озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш учун сув сифати технологик лойиҳа ечимларига мувофиқ тайинланиши лозим.

43. Сунъий совутилмайдиган ва товарга намли ишлов берилмайдиган картошка ва сабзавотларни сақлаш учун биноларда ички ишлаб чиқариш сув таъминоти тизимини назарда тутиш талаб этилмайди.

44. Корхоналар ичимлик суви, такроран ишлатиладиган ва технологик сув таъминоти тизими билан жиҳозланиши керак.

Такроран ишлатиладиган техник ва ичимлик суви таъминоти тизимлари алоҳида бўлиши ва фарқли рангларда бўялиши лозим.

45. Озиқ-овқат маҳсулотларига сув тегмайдиган технологик ускуналар, поллар ва техник маҳсулотларни ишлаш ускуналарини ювиш учун айланма сувдан қайта фойдаланиш мумкин. Иссиқлик алмашлаш ускуналарига тоза (ичимлик) сувини беришда сувни хомашёни бирламчи ювиш, шиша идишларни ёпиш, қозонхона эҳтиёжлари учун такроран ишлатишга йўл қўйилади.

46. Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун сув сарфи ва босими (суткалик, соатлик, дақиқалик) ҳамда соатлик нотекис истеъмоли коэффициенти технологик лойиҳа ечимларига биноан белгиланади.

47. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш учун мавсумий корхоналари биноларининг ички сув таъминоти тармоқларида қувурларни бўшатиш учун қурилмалар назарда тутилиши лозим.

48. Ишлаб чиқариш корпус (цех)ларида ички канализация тармоқлари оқова сувлари ифлосланишига қараб қуйидагича алоҳида-алоҳида лойиҳаланиши керак:

ишлаб чиқаришга доир мойсиз ифлосланган оқова сувларига;

маиший оқова сувларига;

ички сув оқиб кетиш қувурларига.

Озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш корпус (цех)ларининг ишлаб чиқариш хоналарига ўрнатилган қўлювгичлари сувлари ишлаб чиқариш канализациясига тушириб юборилиши мумкин.

49. Озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш учун хоналарнинг шифти оситадан (ёпиқ ва очик ҳолида) ҳамда пол устидан ички канализация тармоқларини ўтказишга йўл қўйилмайди.

50. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш учун ички ишлаб чиқариш сув таъминоти билан жиҳозланган биноларда:

пол ва ускуналарни ювиш учун ҳаракат радиуси 30 m ҳисобидан кранларни;

иссиқ ва совуқ сувга уланган қўлювгичларни;

пол сатҳининг 150 m² майдони ҳисобидан диаметри 100 mm ли битта трапни;

оқова сувларни трапларга оқизиб юбориш учун полларни нишаби ва 10-15 sm кенгликдаги очик новларни назарда тутиш керак.

51. Ишлаб чиқариш оқова сувларини ташқи канализация тармоқларига чиқаришдан олдин тозалаш учун, коида тарикасида, бинолардан ташқарида қуйидаги махсус қурилмаларни назарда тутиш керак:

қум тутқичлар ва тиндиргичлар – картошка ва сабзавотларни ювишдан чиқадиган лойиқа оқова сувлари учун;

ёғ тутқичлар – чорвачилик ва паррандачилик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг ёғи бўлган оқова сувлари учун;

крахмални тутқичлар – картошкани қайта ишлаш корхоналарининг крахмалли оқова сувлари учун.

Қум тутқичларни лойиҳалашда тушаётган қум миқдори ювиладиган 1,0 т картошка ёки сабзавот ҳисобидан 0,03 м³ миқдорида қабул қилинади.

52. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш учун бинолари ва хоналаридаги

ишлаб чиқариш оқова сувларининг таркиби технологик лойиҳа ечимларида ёки лойиҳалаштириш топшириғида белгиланади.

53. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашдан ҳосил бўладиган концентратланган эритмалар ва чиқиндиларни канализацияга тўғридан-тўғри чиқариб юборилишига йўл қўйилмайди.

Ушбу эритмалар ва чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш технологик лойиҳа ечимларида назарда тутилиши керак.

54. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг мавсумий бинолари канализацияси лойиҳаларида корхона ишини тугатганидан кейин канализация тармоғи қувурларини, асбобларни ва ускуналарни оқова сувдан бўшатишга доир кўрсатмалар назарда тутилиши лозим.

5-боб. Иситиш, шамоллатиш ва кондиционерлаш

55. Бинолар ва хоналардаги иситиш, шамоллатиш ва кондиционерлаш тизимлари ШНҚ 2.04.05, СанҚваМ 0203-06 ва ГОСТ 12.1.005 талабларига мувофиқ лойиҳалаштирилиши керак.

56. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш учун бинолар ва хоналарни иссиқлик билан таъминлаш учун марказлашган қозонхоналардан фойдаланиш керак.

Технологик имкониятлар мавжуд бўлганда ҳамда иқтисодий жиҳатдан мақбуллиги таъминланганда алтернатив манбалардан (электр иситиш ускуналари, иссиқлик генераторлари, қуёш коллекторлари ва ш.к.) фойдаланишга йўл қўйилади.

57. Иситиш ва шамоллатиш тизимларини лойиҳалаш учун ички ҳавонинг ҳисобий параметрлари (ҳарорат, нисбий намлик, ҳаракат тезлиги) технологик лойиҳалар ҳамда ГОСТ 12.1.005 га мувофиқ қабул қилиниши керак.

58. Фақат куз ва баҳор ойларида (мавсумий корхоналарда) ишлатиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш учун биноларнинг иситиш ва шамоллатиш тизимларини лойиҳалашда ушбу бинолардан фойдаланиш давридаги энг совуқ ойнинг ташқи ҳавосининг ҳисобий ҳарорати иситиш учун 0,5 га, шамоллатиш учун шу ойдаги ташқи ҳаво ҳароратининг кунлик тебранишларининг максимал амплитудасини 0,4 га пасайтириб қабул қилинади.

59. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш учун бинолар ва хоналарда иссиқлик йўқотишлар маҳсулотларнинг иссиқлик чиқариши ҳисобига қопланмайдиган бўлса уларни ҳаво орқали иситишни назарда тутиш керак.

60. Озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш бинолари ва хоналарида иситиш мосламалари сифатида силлиқ юзали радиаторлардан фойдаланиш ва уларни тозалаш учун қулай бўлган очик жойларда ўрнатиш керак.

61. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш учун хоналарда белгиланган метеорологик шароитлар ва ҳавонинг тозалиги шамоллатиш, шу жумладан буғлантириш йўли билан ҳавони совутиш ёрдамида таъминланмаганда, шунингдек маҳсулотларни сақлаш технологияси талаблари ва иқтисодий самарадорлигидан келиб чиқиб ҳавони кондиционерлаш тизимлари қўлланилиши мумкин.

62. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш учун биноларни иссиқ сув билан таъминоти ҚМҚ 2.04.01 га мувофиқ лойиҳалаштирилади. Иссиқ сув ҳарорати ва ҳаражати технологик лойиҳалар асосида қабул қилинади.

63. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш учун бинолар лойиҳаларида иккиламчи ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш даражасини ошириш бўйича чоралар кўрилиши керак. Бунда технологик агрегатларда иссиқликни қайта тиклаш усулидан максимал

даражада фойдаланиш, шунингдек потенциали паст бўлган иссиқликни иссиқлик насослари ёрдамида йўқотишни назарда тутиш лозим.

6-боб. Электр таъминоти, электр ускуналари ва электр билан ёритиш

64. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш учун бинолар ва хоналарнинг электр таъминоти, кучли электр ускуналари ва электр билан ёритилиши, бинолар ва иншоотларни яшндан химоялаш “Электр ускуналарининг тузилиши қоидалари”нинг (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда техник ҳужжат деб топилган. 2004 йил 27 февраль, 20-15-62/24-сон), III (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда техник ҳужжат деб топилган. 2005 йил 12 октябрь, 20-15-206/22-сон), IV (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда техник ҳужжат деб топилган. 2006 йил 2 ноябрь, 20-15-232/11-сон), VI ва VII (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда техник ҳужжат деб топилган. 2006 йил 18 июль, 20-15-143/14-сон) бўлимларига мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

65. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш учун бинолар ва хоналарнинг электр қабул қилгичлари электр таъминоти ишончилиги жиҳатдан III тоифага мансуб бўлади.

Енгил металл конструкцияли омборларнинг электр қабул қилгичлари ва герметик идишдаги консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариш хоналарининг электр қабул қилгичлари электр таъминоти ишончилиги жиҳатдан II тоифага, ёнғинга қарши қурилмаларнинг электр қабул қилгичлари эса I тоифага мансуб бўлади.

66. Максимал юкланганида трансформаторлар қувватини ҳисоблашдаги талаб коэффиценти 0,6-0,7 га тенг қилиб олинади.

67. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш учун бинолар ва хоналарда электр энергияси истеъмолчилари эҳтиёжини ҳисоблашда қуйидагича талаб коэффицентлари қўлланилади:

технологик ускуналар – 0,4-0,5;

компрессорлар, насослар – 0,65-0,7;

сантехника вентиляторлари – 0,7;

зарядлаш агрегатлари – 0,8;

иситиш элементлари – 0,85.

68. Омборларнинг сақлаш хоналари уларда одамнинг қамалиб қолиши ҳолати учун хавфсизлик сигнализацияси билан жиҳозланиши керак.

Хона (камера, секция) ларнинг юк даҳлизига чиқадиган ташқи деворида ичкаридан уланадиган ёруғликли (қизил чироқли) ва товушли авария сигнализацияси ўрнатилади.

69. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарининг ишлаб чиқариш хоналари, бинолари ва иншоотларини ёритиш ШНК 2.01.05 га мувофиқ лойиҳалаштирилади.

70. Ёпиладиган омбор хона (камера, секция) ларининг ичида учиргичлар бўлишидан қатъи назар ёритиш тармоқларини ташқаридан ўчириш имкониятига эга бўлиши лозим.

Ўчиргичлар пломбалаш мосламаси бўлган ёнмайдиган қутида ўрнатилиши керак.

71. Асбоб-ускуналарнинг барча металл қисмлари кучланиш остида бўлмаган нормал ҳолатда “Электр ускуналарининг тузилиши қоидалари” нинг V-бўлими (Ўзбекистон Республикаси Адлия

вазирлиги билан келишилган ҳолда техник ҳужжат деб топилган. 2006 йил 18 июль, 20-15-143/14-сон) га мувофиқ ерга улаш шинаси орқали нулланган бўлиши лозим.

72. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бинолари ва иншоотларини яшайдан ҳимоялаш “Электр ускуналарининг тузилиши қоидалари” нинг IV-бўлими (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда техник ҳужжат деб топилган. 2006 йил 2 ноябрь, 20-15-232/11-сон)га мувофиқ назарда тутилиши лозим.

7-боб. Автоматлаштириш. Умумий талаблар

73. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш лойиҳалари ҚМҚ 2.02.20, “Электр ускуналарининг тузилиши қоидалари” нинг III-бўлими (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда техник ҳужжат деб топилган. 2005 йил 12 октябрь, 20-15-206/22-сон) ҳамда ГОСТ 21.408 талабларига мувофиқ бажарилиши керак.

74. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш учун бинолар ва хоналарни автоматлаштириш таркиби ва ҳажми технологик талабларга ҳамда лойиҳада қабул қилинган назорат-ўлчов ва автоматика ускуналарини ишлаб чиқарувчи корхонанинг комплектациясига мувофиқ танланади.

75. Назорат-ўлчов ва автоматика ускуналари билан комплектда етказиб бериладиган агрегат, машина ва қурилмалар фақат алоҳида участкаларни автоматлаштириш учун қўлланиши мумкин.

76. Автоматлаштириш воситалари (автоматик тартибга солиш, ёнғин сигнализацияси назорати, ускуналар ҳимояси, блоклаш ва масофадан бошқариш) қуйидагиларни таъминлаши керак:

белгиланган сақлаш режимларини ушлаб туришни;

қурилмаларнинг ишлаш ишончилигини оширишни;

ёнғин автоматикаси тизимларининг ёнғинни аниқлашни, ёнғин пайтида вентиляцияни ўчиришни, тутун чиқариш тизимларини ишга туширишни;

иш режимлари назоратини;

хизмат кўрсатувчи ходимлар сонини камайтиришни;

электр энергияси ва иссиқликни тежашни.